



## АЛИШЕР НАВОЙ ИЖОДИДА ХАДИСЛАР ТАЛҚИНИ

**Бўронова Раъно Абдужабборовна**

Денов давлат педагогика ва  
тадбиркорлик институти филология ва  
тилларни ўқитиш ўзбек тили йўналиши  
2-босқич талабаси  
тел: +99 899 566 25 75

### Анотация.

Алишер Навоий асарларининг деярли барчасида ояту ҳадислар, исломий ҳикматлар, тасаввуфий қарашлар акс этган бўлиб, “Вақфия”, “Арбаъин”, “Сирожул муслимин”, “Муножот”, “Рисолаи тийр андохтан” каби асарлари шулар жумласидандир. Навоийнинг диний мавзуда яратилган асарлари орасида “Арбаъин” асари ҳадислар шарҳига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Бу асар Абдурахмон Жомийнинг “Чихл ҳадис”и таъсирида ёзилган, халқ орасида кенг тарқалган 40 ҳадиснинг шеърий талқинидир.

### Калит сўзлар:

Алишер Навоий, “Арбаъин”, ҳадис, оят, рубоий, дин, пайғамбар, Қуръони карим, тасаввуфий қарашлар.

Давлатшоҳ Самарқандий Алишер Навоийни “Мир Низомиддин”, яъни “диннинг низоми, қонуни”, дея таърифлайди. Чунки Навоий ижодининг асосини Ислом дини аҳқомлари ташкил этади. Шу сабабли Навоий асарларида учрайдиган Қуръони карим оятлари, ҳадислар; пайғамбарлар, авлиёлар ва олимлар ҳаёти билан боғлиқ ибратли ҳикоялар билан танишар эканмиз, шоирнинг диний билимлари нақадар мукамал эканига гувоҳ бўламиз. Навоий асарларининг деярли барчасида ояту ҳадислар, исломий ҳикматлар, тасаввуфий қарашлар акс этади. Алишер Навоийнинг диний мавзуларда ёзган “Вақфия”, “Арбаъин”, “Сирожул муслимин”, “Муножот”, “Рисолаи тийр андохтан” каби асарларида динни англаш, унинг талабларини тўғри бажариш, ҳалол-ҳаром ва савоб-туноҳни ажрата билиш каби масалалар юксак бадиий маҳорат билан акс эттирилган. Шоирнинг “Арбаъин” асари ҳам мана шундай асарлари сирасига қиради. “Арбаъин” асари мусулмонлар учун зарурий қўлланма ва тарбиявий манба бўлган ҳадислар шарҳига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Шунини таъкидлаш лозимки, арбаъин ёзиш анъанаси мусулмон шарқи мумтоз адабиётида Навоийгача ҳам мавжуд бўлган. Арбаъин арабча “арбаъ” яъни, “қирк” сўзидан олинган бўлиб, қиркта машҳур, саҳих ҳадис мазмунини бир рубоийда ифодалаш санъатини англатади. Бундай асарлар ҳадислар мазмунини осон тушунтириш мақсадида яратилган бўлиб, ҳадисларни шеърий тарзда ифодалаш уларнинг узок вақт эсда қолишини таъминлаган. Алишер Навоий нима учун туркий тилда “Арбаъин” ёзишни ният қилгани ҳақида асар дебчасида шундай ёзади:

Форсийдонлар айлабон идрок,  
Орий эрди бу нафъдин атрок.  
Истадим, бу халқ ҳам бори  
Бўлмағайлар бу нафъдин орий.

Яъни, форсийда сўзлашувчи эллар ҳадислар мазмунини ўз тилларида шеърий услубда ёдлаб ўрганар, атрок, яъни туркий халқлар эса бу имкониятдан бебаҳра эди. Шу сабабли туркий тили улуслар ҳам ҳадислар мазмунини осон ва завқли тушуниши, хотирасида сақлаши учун таржимага кўл урдим, ҳадисларни шеърга солдим. Алишер Навоий ҳадисларни нафақат шеърга солади, балки уларни содда ва равон тилда талқин қилади. Қуйидаги ҳадисга эътибор қаратамиз:

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳи анҳумодан ривоят қилинади: “Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган киши мусулмондир”, дедилар. Ушбу ҳадис “Арбаъин” да қуйидагича талқин қилинади:

Ким мусулмонлиғ айласа даъво,  
Чин эмас гар фидо қилур жонлар.  
Ул мусулмондурурки, солимдур,  
Тилию илгидин мусулмонлар.

Бундан ташқари, Ҳадиси шарифда «Ло юъмину аҳадукум хатта яҳиббу ла аҳихи ма юҳиббу ли нафсихи» яъни, «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайдиган», дейилади. «Арбаъин»да эса ушбу ҳадис қуйидагича ифодаланади:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин  
Рўзгорида юз сафо кўргай,  
Токи қардошига раво кўрмас –  
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Ислом динида ғазабни босиш, ҳар қандай ҳолатда ҳам жаҳлни ичга ютиш, ва кечиримли бўлиш лозимлиги айтилади. «Лайса аш-шадиду бисиръати иннама аш-шадид ул-лазийна ямлику нафсаху инд ал ғазоби». Яъни, курашда ғолиб чиққан паҳлавон эмас, балки ғазоби келганда, ўзини босиб олган одам паҳлавондир. «Арбаъин»да эса,

Эмас ул паҳлавонки ўз қадрин  
Бош уза элтибон нигун қилғай.  
Паҳлавон они билки етса ғазаб

Нафси амморани забун қилғай, дея ифодаланади.

Бу ҳадисда инсоннинг ўз нафси устидан ҳокимлик қилиши ва жаҳлга эрк бермаслиги таъкидланади. “Арбаъин” асарида танланган ҳадисларнинг барчаси инсонни комилликка чорлайди, комил инсон ахлокига оид қарашларни ўзида акс эттиради. Масалан, ҳадиси шарифда келтирилган “Инсонларнинг энг яхшиси – инсонга фойдаси тегадиганидир” деган ҳадисни Алишер Навоий қуйидагича ифодалайди:

Халқ аро яхшироқ, дединг, кимдур?

Эшитиб, айла шубҳа рафъ андин,  
Яхшироқ бил ани улус ароким,  
Етса кўпрак улусқа нафъ андин.

Умуман олганда, “Арбаъин” асари инсоннинг маънавиятини юксалтирувчи асар ҳисобланади. Асарнинг хотима қисмида Навоий шундай ёзади :

Эрур ул арбаъиннинг аввали хол,

Айла бу “Арбаъин” била аъмол.

Алишер Навоийнинг “Арбаъин” асари устози ва пири – улуғ мутафаккир, форс-тожик адабиётининг улуғ даҳоларидан бири Абдурахмон Жомийнинг “Чихл ҳадис”и таъсирида ёзилган. “Арбаъин” рубойлари инсонни тўғри йўлга бошловчи восита бўлиб

хизмат қилиши билан бир қаторда, ҳадислар мазмунини англашга кўмак бериб, инсон маънавий дунёсини янада юксалтиришга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган манбалар :**

1. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 16-жилд.
2. Норов Т. “Арбаъин” ҳикмати.
3. Раҳмонов Р. “Навоий- буюк ислом шоири”. saviya.uz
4. Ҳадислар таржимаси Мансур Асқаровга тегишли.Интернет манбаларидан фойдаланилди.